Оила ва Жамият

41 (1296)-сон 12 октябрь 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, "Оила ва жамият" газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ТЎҚҚИЗ ОЙ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2016 йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 4,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 127,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 2,9 триллион сўмлик (122,7 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози кўрсаткичлари ҳам ортиғи билан бажарилишига эришилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг 9 ой давомидаги ижроси атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, жойларда уюшмаган ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб борган ҳолда уларни фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

Ушбу сонда:

"ТВИТТЕР ИНҚИЛОБИ"

ёхуд диний экстремистик оқимлар найрангига алданманг

3-бетда

ОЛТИ АВЛОД МЕРОСИ

Фикримча, боланинг сопол буюмни ўйнаши ва уни синдириб қўйиши ҳам муҳим жараён. Чунки бола буюмнинг синувчан эканини тушуниб етади ва яна янгисини, бундан-да мукаммалроғини ясаш учун фикрлайди, изланади ва меҳнат қилади.

4-бетда

"ХЎШ, ИННАЙКЕЙИН-ЧИ?..

ёхуд "биринчи зарбада тиззаларигача..."

Нарда тошларининг "чиқир-чиқир"и остида кечаётган бемаъни гурунг гаровга айланди. Гап айланиб-айланиб йўлдан пайдар-пай ғизиллаб ўтаётган машиналарга тақалди.

5-бетда

"РАСПРОДАЖА" ХАРИДОР УЧУН ТУЗОҚМИ

ёки арзон нархда фойдали харид?

Бироқ биз барибир арзон маҳсулот илинжида "Отчопар"у "Бекбарака", "Ўрикзор"у "Дўстлик" қилиб айланаверамиз, айланаверамиз. Талабимиз ўша-ўша: арзон ва сифатли бўлсин! Бозор кезсангиз тужжор йигитчаларнинг "распродажа", деган қичқириғидан қулоғингиз қоматга келади. Худди молини текин тарқатаётгандек кекирдагини чўзиб иддао қилаётган бу сотувчиларнинг ёнига борсангиз эски ҳаммом, эски тос – ўзингиз билган ўша нарх.

8-бетда

ТЎҒРИ-ДА, ДАБДАБАСИЗ, ШИРИНГИНА ЎТКАЗИЛГАН ТЎЙ АНЧА ВАҚТГАЧА ОДАМЛАРНИНГ ЭСИДАН ЧИҚМАЙДИ.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ТЎҚҚИЗ ОЙ ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда маданият ва санъат соҳасини янада кенг ривожлантириш, бу масалани комплекс тарзда ҳал этиш, инсонларни, айниқса, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш, музейлар воситасида халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижод аҳлига, ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ёшларни театр ва музейларга кенгроқ жалб қилиш, ёшлар талабига жавоб берадиган асарлар яратиш, эстрада йўналишини тартибга солиш, бунда яратилаётган қўшиқларнинг бадиий-ғоявий савиясини ошириш, музейлар, театрлар ва кинотеатрларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўзаро мулоқотлари учун қулай, ишончли маълумотларга бой бўлган маҳаллий ижтимоий тармоқлар яратиш каби масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Комплекс йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларнинг бориши, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражасини ошириш натижалари каби масалалар таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан таҳлилий мақолаларни, кўрсатув ва эшиттиришларни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2016 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини тўла амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 4-шаҳар клиник шифохонаси тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилган узлуксиз чора-тадбирлар инсон саломатлигини асраш ва жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. 4-шаҳар клиник шифохонаси пойтахтимизнинг Яшнобод, Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Сергели туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги инвестиция дастури тўғрисидаги қарори асосида ушбу тиббиёт муассасасида босқичма-босқич қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу ишларга 27 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди.

Реконструкция ишлари натижасида клиниканинг барча бўлимлари замонавий қиёфага кирди. Биноларнинг атрофи тубдан ободонлаштирилиб, яшил ҳудудлар барпо этилди. Барча бўлимлар жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари асосида янги тиббий диагностика воситалари, жиҳозлар билан таъминланди. Замонавий УТТ, МСКТ, рентген, лапароскопик воситалар, физиотерапия муолажаларини ўтказишда қўлланиладиган тиббий асбоб-ускуналар бунга мисолдир.

– Муассасамиз аҳолига тиббиётнинг барча йўналишлари, хусусан, тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш борасида энг замонавий шароитларга эга бўлди, – дейди 4-шаҳар клиник шифохонаси бош шифокори Содиқ Алимов. – Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш муҳим вазифамиздир. Шу мақсадда диагностика ва даволаш амалиётига жаҳон тиббиётининг янги услубларини татбиқ этиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Шифохонамизда Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва бир қатор ихтисослашган марказларнинг махсус кафедралари жойлашгани илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тиббиёт ютуқларидан оқилона фойдаланишда муҳим омил бўлаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Баҳор Хидирова, Отабек Мирсоатов (сурат), ЎзА

НУРОБОДДА ШУНДАЙ ҚИШЛОҚ БОР

Маҳалла обод – юрт обод

Нуробод туманидаги Олға қишлоғи ўз тарихи, донгдор чўпонлари билан машҳур. Айниқса, кейинги йилларда қишлоқ ўзгача қиёфа касб этди. Асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган гўшада учта мактаб, қишлоқ врачлик пункти, муқобил МТП, ғаллачиликка ихтисослашган 35 фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

– Хайрли ишларга хайрихоҳлик қишлоқдошларимизга хос фазилат. Ёшларимиз кўпни кўрган кайвонилар ортидан эргашаётгани қувонарли, – дея тўлқинланиб сўзлайди Нуробод туманидаги "Олға" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салоҳиддин Бердиев.

Дарвоқе, бу гапда жон бор. Негаки, инсон қалбига хайрихоҳлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар оилада, маҳаллада сингдирилади. Соғлом маънавий муҳитда тарбия топаётган фарзандлар хайрли ишларнинг бошини тутадиган, туғилиб ўсган она Ватани, маҳалласи, тақдири ва фаровонлиги учун жон куйдирадиган инсон бўлиб вояга етади. Бугун мазкур гўшага келсангиз, қишлоқнинг ободлиги, атроф-муҳит озодалигидан баҳридилингиз очилади.

– Давлат умуммиллий дастурига асосан маҳалламиздаги учта мактаб қайтадан қурилди. Икки қаватли, барча шароитларга эга замонавий масканлар қишлоғимизга ўзгача чирой бағишлаб турибди, – дейди Салоҳиддин ака. – Бу таълим муассасаларида маҳалламиз аҳолисининг илмга ташна ёшлари таълим-тарбия олишмоқда. Шунингдек, маҳалламизда учта гузар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси ва аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатувчи турли шохобчалар хизмат кўрсатмоқда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари қишлоқ марказида бозор ташкил этилган. Унда қўшни Қашқадарё вилоятидан, Каттақўрғон шаҳридан келган тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сотиб, одамлар мушкулини осон қилмоқда. Беш йилдирки, маҳалламизда "Ёш оила" маркази фаолият юритиб келмоқда.



Яраштириш комиссияси таркиби маҳалланинг тажрибали кайвониларидан иборат. Ҳар бир фаолнинг вазифаси аниқ белгилаб қўйилган. Комиссия йиллик иш режасига эга ва шу асосда фаолият юритмоқда. Иш режасидан оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тарғиботини ташкил этишдан бошлаб, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёшларни миллий анъаналар ва урф-одатлар руҳида тарбиялаш, турли маросимлардаги дабдабани чеклаш, ички имкониятлар ҳисобидан аҳоли даромадларини кўпайтириш каби долзарб масалалар ўрин олган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллада тўйгача тиббий кўрик ва қонуний никоҳдан ўтиш изчил йўлга қўйилган. Бу эса, тўйдан кейинги баъзи кўнгилхираликлар, жумладан, ёш оилаларнинг турмуши бузилишининг олдини олаётир.

Маҳалла маслаҳатчиси Сайёра Расулова аёлларнинг яқин сирдоши. Никоҳ тўйига тараддуд кўраётган оилалар опанинг маслаҳатисиз бир ишга қўл урмайди. Тўғрида, дабдабасиз, ширингина ўтказилган тўй анча вақтгача одамларнинг эсидан чиқмайди.

– Хотин-қизларимиз тўқиган ранг-баранг гилам, сўзана ва кашталар бугун хонадонларимиз, бозорларимизни безаяпти, – дейди Сайёра Расулова. – Тўқувчи-каштачиларимизнинг бошини бириктириб, маҳалламизда касаначилик ишини йўлга қўйганмиз. Опа-сингилларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни яратиш бўйича ҳам турли маданий-маънавий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб турибмиз.

Олғаликлар азалдан чорвачиликнинг пири бўлиб келган эмасми, ҳозирда қорамолу майда туёқли қўй-қўзилар сонини кўпайтиришга бел боғлаган. Бир пайтлар чорвачиликда донг таратган Дамин Назаров, Араб Бердиев, Эламан Бегимовнинг издошлари бўлган чўпонлар, "Шуҳрат" медали соҳиби Раҳмон Назаров, Дониёр Бердиев, Беқмурод Жуманов бу юмушни сидқидилдан бажариб келишмоқда.

Ҳа, эртанги кунига умид ва ишонч билан қараётган халқимиз авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришга доимо интилиб келади. Биз ҳикоя қилган маҳалла аҳли ҳам шу қаторда борлиги эса янада қувонарли.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ, "Оила ва жамият" мухбири

ЭКСТРЕМИСТЛАР "СОФ ИСЛОМ" САФСАТАСИДА СОХТА, БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРИНИ ТИҚИШТИРМОҚДА.

"ТВИТТЕР ИНҚИЛОБИ"

ёхуд диний экстремистик оқимлар найрангига алданманг

Бугунги кунда диний ақидапарастлик, мутаассибликнинг илдиз отишига қарши кураш муҳим. Шу боис диншунос ва исломшунослар "XXI аср вабоси" – диний экстремизмнинг пайдо бўлиши, экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолияти, хавфи ва унинг олдини олишга, ёшларни ушбу хавфдан ҳимоялашга уринмоқдалар. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтириш, бу жараёнда кутилган натижани беришини таъкидлаган эди.

Глобаллашув жараёнлари жадал ривожланаётган даврда бу каби иллатлар барча халқларга қатор мусибатлар келтиришини дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, ирқчилик, миллатчилик, диний экстремизмнинг ўзиёқ исботлаб турибди. Хавотирлиси шундаки, дастлабки босқичда уларни оммавий тарзда англаш мураккаб, бироқ вақт ўтиши билан унинг таъсир кучи кенгайиб, таҳдидга айланади.

Диний экстремистик ташкилотларнинг асосий фаолият услублари – экстремистик руҳдаги адабиёт, электрон диск ва мобил телефон хотира картасида видео ва аудио материалларини тарқатиш, хуфия гуруҳ (жамоат, халқа)лар тузиш, яширин диний «ҳужралар»нинг фаолиятини йўлга қўйиш, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кескин қоралаш, давлат ва диний идора вакилларини обрўсизлантириш орқали ғаразли мақсадларига интилишдан иборат.

Бугун ғоялар кураши, ахборот хуружлари, мафкуравий тазйиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Шу жараёнда айрим ёшлар воқеа-ҳодисалар ummonida адашмоқдалар. Баъзилар терроризм йўлига кириб қолишларини моддий қийинчилик, етишмовчилик, ишсизлик, кам таъминланганлик, аламзадалик каби қатор ижтимоий ҳолатлар билан боғлашга уринадилар. Аслида эса экстремистлар маънавий-руҳий ҳолатдан усталик билан фойдаланади.

Ўсиб келаётган ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, баркамол шахсни тарбиялашнинг маънавий-маърифий йўллари ҳамда усулларини такомиллаштириш зарур. Шунинг билан бирга, мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги ва информацион хуружлардан сақлаш масалаларининг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам мазкур тадқиқ этиладиган муаммонинг долзарб эканидан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг 15-моддасида давлат ва жамиятни ахборот хавфсизлиги ва информацион хуружлардан ҳимоя қилиш қуйидаги йўллар билан таъминланиши белгиланган: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқданочиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, шунингдек, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Бугун дунёга назар солсак, айнан мутаассиблик ортидан давлатларда сиёсий парокандалик юз бераётганини кўрамиз. Улар ижтимоий тармоқларда анча фаол. Буни 2011 йилнинг бошларида қатор араб давлатларида юз берган "твиттер инқилоби"да кўриш мумкин. Хусусан, ташқи кучлар томонидан Facebook, Twitter ижтимоий тармоқлари ва прокси-IP хизматидан фойдаланган ҳолда Тунис, Миср, Ливия, Баҳрайн, Эрон, Суриядаги тартибсизликлар назорат этиб турилган. Ижтимоий тармоқларнинг жамият учун хавфини англаб етган мамлакатлар қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқда. Бироқ, бузғунчи кучлар ўзаро алоқани таъминлашнинг янги усул ва воситаларини жорий этмоқда. Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишларининг яна бир сабаби – уларнинг диний илмларни эгаллашга қизиқиши ва интилиши, ишонувчанлигидир. Экстремистлар "соф ислом" сафсатасида сохта, бузғунчи ғояларини тиқиштирмоқда.

Шу билан бирга, диншунос, исломшунос ва психологлар диний экстремистик оқим найрангига алданишига қуйидагилар сабаб дейишмоқда: бойлик, шон-шуҳрат, мартаба, қаҳрамонликка эришишга уриниш; гўё эътибордан четдаги, кўп нарсага эришмаганларни чақириш; бефарқ ва лоқайдлик; таъсирчанлик, ишонувчанлик, раҳмдиллик...

Улар учун қариндош-уруғчилик, оила қадриятлари ва миллат анъаналари бегона. Манқуртга айланган кишини йўлга солишдан оғири йўқ. Шундай экан, барчамизнинг олдимизда асосий вазифа – оммага, айниқса, ёшларга дунёдаги нохуш воқеаларнинг асл сабабини тўғри таҳлил қилиб, тушунтириб бериш, диний экстремизм ва мутаассибликка қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборатдир.

Ёшлар орасида мутаассибликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларга қарши кураш – доимо долзарб ҳисобланган.

Саиджасур САИДҚОДИРОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассиси

ИҚТИДОРНИНГ ЁРУҒ ЙЎЛИ

Чинакам истеъдод болаликдаёқ бўй кўрсатади. Унинг чизгилари улғайиш паллаларида янада ёрқинроқ акс этиб бораверади. Камолот пиллапояларида у аниқ мақсадга айланади. Инсон ана шу мақсадни амалга оширишга интилса, рағбат ва ютуқлар уни излаб топади.

Дилоромни илк бор кўрганимда, нозик жуссаси, шаддод феъли, истарали чеҳрасига қараб бу қиздаги истеъдоднинг бор бўйини ҳис қилган эдим. Илм-фан одамлари ўта жиддий кишилар бўлади, деб ўйлардим. Аммо Дилором тасаввурларимни буткул ўзгартириб юборди.

Дилором Норматова Андижон вилояти Хонобод шаҳрида, зиёлилар оиласида туғилган. Болалигидаёқ шифокорларни кўрганда, уларга ўхшашни ҳавас қилган қизалоқ ўз орзусини амалга оширишга эришди. Кечагина жажжи қўғирчоқларини, ўйинчоқларини болаларча завқ билан "даволаб" юрган Дилором бугун чинакам шифокор. Мактабни тамомлади-ю, иккиланмай Андижон давлат тиббиёт институтига ҳужжатларини топширди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтди. Ота-онасининг кувончи чексиз эди. Ахир, ота-она учун фарзанд ютуғидан, иқболидан ортиқроқ бахт борми?!

Тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган Дилором ўқишни давом эттириш фикрида эканини айтганида, оиласидагилар уни қўллаб-қувватлади. Нейрожарроҳ мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган шифокор тиббиётдаги йўлини аниқ белгилаб олди.

Дилором Норматова ҳозирда тиббиёт институтининг нейрожарроҳлик кафедрасида талабаларга таълим бериш билан бирга профессор Қобил Худойбердиев ҳамда доцент Қаҳрамон Қўлдошев раҳбарлигида "Бош мия субтенториал ўсма касалликлари" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. Ёш мутахассис устозлари кўмагида тажриба ва малакасини оширишга ҳаракат қилади. Унинг вилоят ва республика нашрларида чоп этилаётган илмий мақолалари тиббиёт соҳаси вакиллари учун аҳамиятли бўлмоқда.

Илк жарроҳликни ҳали талаба чоғида амалга оширган Дилором ўшандаёқ бу йўналиш бўйича таҳсилни давом эттиришни дилига туккан эди. Бугун ана шу танлов сабаб жарроҳлик соҳасига дадил кириб келди. Фарзанди камоли ота-онага бахт бағишласа, ота-онанинг қўллаб-қувватлаши фарзанднинг ютуқларига қанот бўлади. Дилором ҳам яқинларидан куч олиб, янги-янги ғоялар сари интилади.

Шифокор сифатида у инсонларга спорт билан шуғулланиб туришни нафақат маслаҳат беради, балки ўзи ҳам волейбол ва қўл тенниси билан мунтазам шуғулланади.

– Спортнинг бу икки тури тананинг ва мушакларнинг эркин ҳаракатланишида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, турли суяк касалликлари келиб чиқишининг олдини олади, – дейди Дилором. – Хотин-қизлар қайси соҳада ишламасин, аввало, улар ўзининг жисмоний ва руҳий ҳолатига жиддий эътибор қаратиши лозим. Қолаверса, аёл киши пазандалик сирларини яхши билиши керак. Аёлнинг ошхонада мароқ билан таом тайёрлашларидан гўзал манзара бўлмаса керак.

Ёш мутахассиснинг хонадонида бўлганимизда, унинг тиббиётга оид ҳамда бадиий асарлар жамланган кутубхонасига ҳавасимиз келди. Дилоромни нафақат ёш жарроҳ, моҳир пазанда, спорт билан ошно қиз, балки китобсевар инсон сифатида ҳам кашф қилдим.

Орамиздаги ана шундай чақноқ иқтидорлар, ўқиб-изланишдан чарчамайдиган, Дилором сингари касби машаққатларидан завқ олиб ишлаётган ёшларимиз бор экан, эртанги кунимиз ёруғ, келажагимиз порлоқдир.

Зилола РАҲМОНОВА

КИТОБ МУТОЛААСИДА, ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАНИ ОХИРИГАЧА БАЖАРИШДА, МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШДА ҲУНАРНИНГ ЎРНИ МУҲИМ.

Оталар ва болалар

ОЛТИ АВЛОД МЕРОСИ

Ялангоёқ тупроқ кечиб, ҳовуз лабида ўзларича лойдан нималардир ясаётган болаларни кўриб болалигимиз ёдга тушади, уни ширин бир энтикиш билан қўмсаймиз. Уйча ясаётган болакай келажакда қурувчи бўлса ажабмас, "таом" тайёрлаётган қизалоқ балки ошпаз бўлар, деб ўйлаймиз. Аслида, барчамиз ҳам дунёни бола тасаввуримизда тасвирлашни оддийгина лойдан бошлаганмиз.

Лойдан турли буюмлар ясаётган Муҳиддин бобонинг ишини соатлаб кузатишдан чарчамайдиган, ўзи ҳам нималардир ясашга ҳаракат қиладиган тўрт ёшли Алишерни кўрганлар келажакда ундан яхши кулол чиқишини, сулоланинг давомчиси бўлишини башорат қилгандир ўшанда. Халқимиз бежизга от изини той босар, демайди. Жажжи Алишер ҳам ота-бобосининг изидан бориб, улғайиб, камолга етиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мадаият ходими, "Шуҳрат" медали соҳиби, уста кулол Алишер Раҳимов деган шарафли номга сазовор бўлди.

– Ўттиз йилдан бери кулолчилик билан шуғулланаман. Бу ишнинг устаси бўлишимда бобом ва отамнинг муносиб ҳиссаси бор. Баъзан қийналганимда ҳам улар ҳеч қачон қўй шу ишни, ўзингни қийнама, дейишмаган. Қизиқишларимни ҳурмат қилишган. Шу сабаб кулоллик ҳаётим мазмунига айланди. Биласизми, кулолчилик мисоли мўъжиза, лойда сирли куч бор. Масалан, кўзанинг ясалиши ва бўялиши унинг тайёр бўлганини билдирмайди. Ҳаттоки, биз бирор рангни суртиб уни пишириш учун қўйганимизда, бошқа ранг ҳосил бўлган ҳолатлар бор. Пиширишга қўйган кулолчилик буюмларининг ранги, кўриниши хумдондаги ҳавонинг кўп ёки камлигига, атрофдаги бошқа буюмларнинг ранги бир-бирига таъсир этишига боғлиқ.

– Шогирдлик даъвосидагилар талай бўлса керак. Сизнинг-ча, ҳақиқий шогирдлик мақоми нима билан ўлчанади?

– 2014 йили "Сопол ўйинчоқлар фестивали"да 6-7 ёшли ва 11-12 ёшдаги болалар иштирок этишди. Улар орасида ишлари яхши деб топилган ўқувчилардан 10 нафарини танлаб, ҳозир 2 гуруҳга бўлиб, кулолчиликни ўргатаяпмиз. Агар улардан икки нафаригина келажакда уста кулол бўлиб етишса ҳам бу менинг катта ютуғим бўлади. Ҳунар ўрганиш учун сабр-тоқат, интилиш, изланиш керак. Шогирдлик мақоми шу фазилатлар билан ўлчанади, менинг назаримда.

– Сопол буюмлардан турли ўйинчоқлар яратилади. Мазкур ўйинчоқлар ва унинг ясалиш жараёни болалар саломатлиги ва маънавиятига қандай таъсир қилади, деб ўйлайсиз?

– Қадимдан сопол ўйинчоқларга талаб катта. Болалар учун, ҳуштаклар, ҳайвон ва паррандалар шакли лойдан ясалган. Аввало, лой боланинг кўлидаги нерв томирларига ва шу орқали мияга таъсир этиб, уни тинчлантирган. Аниқланишича, бу кичкинтойнинг диққатини бир жойга жамлаб, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Боланинг лой ўйнаб ўтиргандаги ҳаракатларини кузатсангиз, унинг ўзича фикрлаб, турли буюмлар ясаётганини кўрасиз. Албатта, бу ундаги тасаввур дунёсининг кенгайишига хизмат қилади. Фикримча, боланинг сопол буюмни ўйнаши ва уни синдириб қўйиши ҳам муҳим жараён. Чунки бола буюмнинг синувчан эканини тушуниб етади ва яна янгисини, бунданда мукаммалроғини ясаш учун фикрлайди, изланади ва меҳнат қилади.

– Кулолчилик оила тутумида – оила характерини белгилашда нечоғлик аҳамиятли? Айтайлик, қатъият, сабр-матонат борасида...

– Рафиқам Дилбархон билан икки ўғил, икки қизни улғайтиряпмиз. Қизим Шоҳсанам Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ўқувчиси. Шохрух, Мафтуна, Саидамир – мактаб ўқувчилари. Фарзандларимнинг ҳаммаси кулолчиликка қизиқади. Ҳунар болани тарбиялайди. Китоб мутолаасида, топширилган вазифани охиригача бажаришда, мустақил фикрлашда ҳунарнинг ўрни муҳим. Фарзандларимнинг устози отам, десам адашмайман, чунки бизда бобо ва набира муносабатлари томир отган. Кулолчилик бобомерос ҳунар. У авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, ўрганилиб келинади. Биласизми, айни шу ҳунар билан боғлиқ оилавий анъанамиз бор. Яъни, ҳунарни боболар ўргатади. Менинг ҳам илк устозим – бобом. Ишни меҳр билан бажаришни, лойга кулолчилик воситаси сифатида эмас, жонли деб қарашни, у билан ишлашда қунт ва сабрли бўлишни бобомдан ўрганганман. Фарзанд тарбиясида оталар билан биргаликда боболарнинг ҳам таъсири бўлса, бу унинг камолотида муҳим ўрин тутади.

Суҳбатимизга Алишер Раҳимовнинг отаси Акбар ака Раҳимов қўшилди.

– Бутун рўзғор, оила масъулияти отанинг зиммасида бўлгани боис, бола билан шуғулланишга ҳар доим ҳам вақт ажрата олмайди оталар. Фикру хаёли улғайиб келаётган набирасида бўлган боболар эса бор меҳри ва эътиборини уларга сарфлайди. Данагидан мағзи ширин-да. Бобо набирасининг чизган ҳар бир чизиғи ёки ясаган буюмидан қувонади. Набирасининг ёнини оладиган, тўполонию хархашаларини кўтарадиган ҳам боболар. Мен набирамга нафақат ҳунар сирини ўргатаман, балки усталар ҳақидаги ривоятларни, эртакларни, тарихий асарларни ҳикоя қилиб бераман. Отам ҳам Алишерга ўз ҳунарини ўргатишга интилган, қолганини "Ўзбекистон кулолчилик санъати" китобида ёзган. У киши ўзининг 30 йиллик изланишини ана шу китобга жамлаган. Алишер Камолиддин Беҳзод номидаги Республика рассомлик ва дизайн институтида кулолчилик йўналишида таҳсил олди. Магистратурани шу олий таълим даргоҳининг санъатшунослик йўналишида якунлади. Кулол фақат уста эмас, ўз асарининг етук билимдони бўлиши керак. Яратган ҳар бир кулолчилик маҳсулининг мазмунини билмаса ва ўзгаларга тақдим этолмаса, уни мукаммал ижодкор деб бўлмайди. Отамнинг кундалигида "Ижодкор атрофдаги ўзгаришларни кўриб, тан оладиган инсон", деган сатрлар бор. Биз ҳам ҳар доим янгиликка интилишга, ҳунарнинг ўзига хос жиҳатларини излаб топишга ҳаракат қиламиз.

Раҳимовлар устахонасида Муҳиддин Раҳимов уй музейи жойлашган. Унда замон ва тарих уйғунлигини, ранглар ва шакллар жилосини кўриш мумкин. Музейдаги экспонатлар тарихни уйғотади. Улуғ саркарда Амир Темур даврини эслатувчи сопол идишлар, Сомонийлар тарихидан сўзловчи буюмлар, ҳозирги давр безаклари киши қалбини қувончга тўлдиради. Аждодлардан авлодларга бебаҳо мерос сифатида сақланиб, бойитиб борилаётган музей уста кулол Акбар Раҳимовнинг ишчанлигини, жасорати ва матонатини кўрсатиб туради.

Камола АДАШБОЕВА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан пойтахтимизда замонавий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар юртимизда санъат ва маданият равнақи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий соҳалардаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мазкур кўргазма учта экспозиция майдонида – Марказий кўргазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи ва Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвон саройида бўлиб ўтмоқда. Экспозицияда замонавий санъатнинг инсталляция, видеоарт, фотоарт ва бошқа барча турлари ва услублари намуналари тақдим этилмоқда.

Кўргазмадан мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни очиб берадиган туркум фотоасарлар ўрин олган. Айни пайтда инсон руҳияти, хаёлотининг чексизлиги томошабинларга фотосанъатнинг турли жанрлари орқали таъсирчан тарзда етказиб берилган.

Кўргазмада Ўзбекистон, Голландия, Украина, Қозоғистон, Марокаш, Фаластин, Тунис, Тожикистон каби мамлакатлар фотомусаввирларининг ишларидан иборат экспозиция ҳам намойиш этилмоқда.

Шаҳноза Маматуропова, Аъло Абдуллаев (сурат), ЎзА

ЭНГ ЁМОНИ, БУ "ОЛОМОН МАДАНИЯТИ"НИНГ ТУМОНАТ ХАРИДОРЛАРИ ОРАСИДА ҲАЛИ ОҚУ ҚОРАНИ ТАНИШГА УЛГУРМАГАН "ҚОРАВОЙЛАР" ЖУДА КЎП...

Буям, бир гап-да!

"ХЎШ, ИННАЙКЕЙИН-ЧИ?.."

ёхуд "биринчи зарбада тиззаларигача..."

Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" асарини ўқимаганлар, шу асосда суратга олинган фильмни кўрмаганлар орамизда кам топилса керак. Мени бу асар ва фильм ҳар доим ҳайратга солаверади. Яқинда шу дурдона кинони томоша қила туриб, ундаги давримизнинг ўткир муаммолари билан уйғун янги қирраларни ўзимча кашф этдим.

Адиб ерга урса, кўкка сапчигудай шўх, чапани, қув, аммо беғубор ва самимий образ орқали ўтган аср бошларидаги даврнинг фожеавий ҳолатларини ҳам ўткир сатира воситасида кўз ўнгимизда яққол акс эттиради. "Тошқин дарёдан ўтолмай, "ориқ от"ида манзилига етолмаётган" Қоравойнинг аянчли кечмишлари нималарнидир ёдингизга солади...

ИС БОСГАН "ДУНЁБЕХАБАР"ЛАР

Бир эсланг-а. (Ахир, фильмдаги "иннайкейин-чи..."дан тортиб, "омбор ҳам ёнди, қўрғон ҳам ёнди" сингари иборалару диалоглар ҳаммамизга ёд бўлиб кетган-ку...) "Ҳожи бобо"нинг уйидаги вазият. Тақворидосини кийган банги улфатлар давраси. Баҳс мавзуси – ўша даврда дунё аҳлини, шу жумладан, чор Россиясига қарам бўлган жафокаш туркистонликларни-да таҳликага солган Биринчи жаҳон уруши. Банги улфатлардан бири "Николай пошшо бир томондан, "гирмон" деганлари иккинчи томондан роса-а-а жиққамушт" бўлишаётган эмиш..." деса, иккинчиси "Гирмон" деганлари уч кўзли, қаноти бор бир махлуқ эмиш...", – дея ўзича фалсафа сўқади. Учинчиси "Эшитдингларми, буғдойнинг нархи яна ошармиш... э-э-эй, қандоқ кунларга қолдик", – деб ғингшийди.

Дунёда нима гаплар бўлаяпти-ю, дунёбехабар, фақатгина ўз ҳаловатию кайфу сафосини ўйлаган, оми, калтафаҳм, банги мардумнинг гурунгини қаранг. Улардан бири китоб титкилаб, ўз "саховатпеша" ҳомийлари "Ҳожи бобо"га савол бериб қолди. Кун бўйи бекорчихўжалар китоб титкилаб, баҳслашган "долзарб" саволни қаранг: "Або Муслим Носири Сайёрни муборак гурзилари билан урганларида ул зот тиззаларигача ерга кириб кетганларми ёки белларигача? Бултурги китобда тиззаларигача, деб ёзилганди, бу йилгисида белларигача..." Фаҳму фаросатда банги даврадошларидан беҳроқ бўлмаган "Ҳожи бобо" салмоқланганича, уларга ўз "билимдон"лигини намойиш этади: "Биринчи зарбада тиззаларигача, иккинчи зарбада белларигача..."

Дунё ёниб кетаяпти-ю, бу дунёбехабар, боқибеғам бангиларнинг парвойи фалак. Ўзларича дунё ташвишларидан баҳс юритадилар, шариату тариқатдан, афсонавий баҳодирларнинг қаҳрамонликларидан сўзлайдилар. Банг кайфидан ҳиринглаб, сархуш лақиллашганларича тутун ва ис босган ҳужраларида умргузаронлик қиладилар. Пировардида бир бечора етимга туҳмат қилиб, уни калтаклатишдан ҳам тоймайдилар.

ЙЎЛ ЁҚАСИДАГИ ҚИЙШАЙГАН ЧОРПОЯ

Сизга нималарнидир эслатмаяптими бу бемаъни давра? Яна қаерда кўргансиз бундай эгизак нусхаларни? Ҳа, яшанг. Маҳаллангизда, кўчакўйда, чойхоналарда бир бурчакда ин қуради бундай ўргимчаксимон нусхалар... Ғингшиб, нолиб, бир-бирини уриб-сўкканича баҳслашиб, даврага тасодифан ё адашиб кириб қолган одамнинг оғзига уриб, ўзларини ақлли кўрсатишга бор жаҳдлари билан интилиб, дунё аҳволидан баҳс қиладиган бу каби танбал ва жоҳил кимсалар гурунгига гувоҳ бўлгандирсиз эҳтимол.

...Мен ҳам йўлда кетаётиб, нотаниш қишлоқда бировнинг хонадонини сўрайман деб, шундай давраларнинг бирига гувоҳ бўлдим. Катта бунёдкорлик ишлари кетаётган Қарши-Шаҳрисабз йўлининг шундоққина ёқасида, ажриқ босган томорқа чеккасидаги тол тагидаги қийшайган чорпояга ёнбошлаган уч-тўрт улфат. Ўртада қарта, нарда, қулдон, "семичка" пўчоқ, тумшуғи-лаби учган, яғир чойнак-пиёла, чивин босган пиёз ва ... шиша...

Нарда тошларининг "чиқир-чиқир"и остида кечаётган бемаъни гурунг гаровга айланди. Гап айланиб-айланиб йўлдан пайдар-пай ғизиллаб ўтаётган машиналарга тақалди. Аниқроғи, "навбатдаги ўтадиган машина "Нексия" бўладими, "Матиз"ми ё "КамАЗ"ми?" Бирови "Нексия" деб айтувди, "Дамас" ўтиб қолди. Гаровда ютқазган киши дўконга ғизиллади – яна пулини "темир дафтар"га ёздириб, "яримта" обкелишга...

Беихтиёр ўйланиб қоласан, киши. Кап-катта одамлар бўлишса, айни чошгоҳ маҳали буларнинг уйида қиладиган иши йўқмикан? Чорпоя соҳибининг аҳволидан маълум, хонадони дарвозаси атрофини ажриқ, янтоқ, шўра босиб кетган, ёнгинасида бир ариқ сув оқиб ётибди-ю, томорқадаги дарахтлар саратонда лоҳас бўлиб, қуриб қолай деб турибди. Уйнинг сувоқлари кўчиб тушган, дарвоза қийшайган, иссиқда майкачан сомон ташиётган болаларнинг аҳволи чорпояда ёнбошлаб, эринмасдан йўлдаги машиналарни санаётган отанинг парвойига ҳам келмайди...

Ҳа, афсус, бу каби манзарани ҳар биримизнинг қишлоғимизда, маҳалламизда кузатиш мумкин.

ҚУТИ КЎТАРГАН "АМАКИ"

"Хўш, иннайкейин-чи?", – дейсизми?! Яхшиси, яна "Шум бола"га қайта қолайлик.

Бой отадан олган чириган олмаларини сотган Қоравой бойваччалардай керилиб, бозор кезади. Шляпали, мўйловли амаки айюҳаннос солиб, тумонатни "ажойибқути"сидаги туйнук орқали "антиқа" суратларни томоша қилишга чақиради. Қоравой ҳам ҳақини тўлаб, туйнукдан мўралайди. Кўз ўнгида унга бутунлай нотаниш бўлган, ақлу ҳушни шоширадиган "жозибадор" манзаралар гавдаланади...

Менимча, бу мўйловдор амаки "ажойибқути"сини кўтарганича бизнинг асримизда ҳам виртуал оламда ёшларимизни йўлдан урганича изғиб юрибди. Фақат қути ҳам, ичидаги тасвирлар ҳам анча "такомиллашган". Энг ёмони, бу "оломон маданияти"нинг тумонат харидорлари орасида ҳали оқу қорани танишга улгурмаган "қоравойлар" жуда кўп...

"ҚАНДАЙ УЛУҒ ЗОТ БИЛАН УЧРАШИБ ҚОЛДИМ, ДЕБ ЎЙЛАЁТГАНДИРСАН-А?"

Яна бир лавҳа. Ўғрилар даврасида шароб ичиб, аввал "бешбармоқ", сўнг "муштбармоқ" еган чаламулла ёдингиздами? Эсингиздами, у Қоравойга ўзини қандай улуғ зотларнинг авлоди сифатида таништиради? Қолаверса, Бухорои шарифдаги катта мадрасаларда таҳсил олганлиги хусусида оғиз кўпиртириб, лоф уради. Сўнг Шум болани ўзи билан кетишга, қишлоқма-қишлоқ кезиб, ризқ териб ейишга ундайди. Қоравой рози бўлмагач, қовоқ-тумшуғи осилганича қолади. Аммо дабдурустдан йўлга отланган Қоравойнинг изидан қувиб етади ва унинг елкаларини силкитганича гарчи ғирт муттаҳам бўлса-да, алам ва изтироб билан ўзининг чаламуллалигини эътироф этадиган бир гапни айтади: "Менга қара, бўғирсоқжон! Ўқигин! Тушундингми, ўқигин! Мана, мени айтди дерсан. Одам бўласан!"

***

"...Хўш, иннайкейин-чи?", – дерсиз яна?! Шу! "Қандил пишибди... Териш керак...".

Нуриддин ЭГАМОВ

Луқма

ЙЎЛ ҲАҚИ 1300 СЎМ БЎЛДИ(МИ)?

Уйимиздан "Дўстлик" метро бекатига қадар 10 дақиқалик йўл. Автобус бекати ундан яқинроқ. Ишга бирда метрода, бирда автобусда бориб келаман. Кўпинча метрода поездан поездга алмашишни унча хушламай, 10, 28, 72, 148, 155-автобусларга чиқаман. Йўл ҳақи 1200 сўм бўлганидан бери, чиптачилар уни 1300 сўмга кўтариб олишган. Нима эмиш, 100 сўмлик қайтим йўқ эмиш! "Қайтимим йўқ эди, узр!", десаям майли, дейсан. Лекин қачонки: "Йўл ҳақи 1300 сўм бўлганми?" деб сўраганингдан кейин тишини ғижирлатиб: "1200, қайтим йўқ", дейди юзингга тарсаки ургандай бўлиб. Бир хиллари қайтими бўла туриб бермайди ҳам. Бугун эрталаб 28-автобусда шундай бўлди. Охири "безрайиб" 100 сўмимни сўраб олдим. Лекин кўпчилик йўловчи арзимаган бу пулни сўрашга уялганиданми ёки андиша қилганиданми, индамай қўя қолади. Бундай индамаслар бир кунда қанча бўлар экан? Улардан қанча фойда тушар экан? 100 тадан ўн минг сўм, 1000 тадан юз минг сўм, 10 000 тадан бир миллион сўм... Тома-тома кўл бўлур, деб шуни айтишса керак-да!

Назорат кучли бўлганиданми ё жетон сотувчиларнинг инсофидан қисмаганми, ҳайтовур, метрода бундай воқеани кузатмадим. Менимча, уларда иш яхши йўлга қўйилган. Нега деганда, йўл ҳақи 1000 сўмдан 1200 сўмга кўтарилганидан бери метрода янги юз сўмликлар, икки юз сўмликлар ёки танга пуллар пайдо бўлиб қолди. Халқ ҳақига хиёнат қилмаётгани учун метрочиларнинг отасига раҳмат! Аммо "Тошшаҳарйўловчитранс" чиптачиларининг отасига раҳмат деёлмайман!

Фозил ЖАББОРОВ

АЙНИҚСА, БУ ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛСА, УНГА БАРМОҚ ОРАСИДАН ҚАРАШ ЎРИНСИЗ.

БОЛАНГИЗ КЎП САВОЛ БЕРСА...

Оила психологи

Ишдан қайтишингиз билан фарзандингиз истиқболингизга пешвоз чиқади. Сизни кечгача кўзлари тўрт бўлиб кутган эмасми, дарров саволга тутади. Унинг бераётган саволлари албатта хаёлот оламидек кенг ва рангбаранг. Бирон жойда эшитгану, лекин маҳзини чақа олмаётган, миттивой учун янгилик бўлган сўзлар, билимлар унга тинчлик бермайди. Тонгда қуёш чиқиши, намозшомда яна қайтиши, тунда оймомонинг пайдо бўлиши...

Фарзандингизнинг ана шу ҳодисалар нима учун рўй бериши ҳақидаги сизга жўн туюлган саволларига жавоб бергингиз келмайди. Гоҳида билмагандек, баъзида эса истамагандек, жажжи билимдоннинг сўровларини эътиборсиз қолдирасиз. "Қўй, болам, нима қиласан бошингни қотириб, ундан кўра, бор, мультфильм томоша қил!", дейсиз унинг хархашаларидан халос бўлиш учун.

Кун бўйи банд этган рўзғор ташвишлари, тирикчилик сабабми, болангиз кўзида чақнаб турган иштиёқни сезмайсиз. Ота-онасини турфа саволларга кўмиб ташлаган, аммо бирорта ҳам жўяли жавоб ололмаган кичкина донишманднинг кўзларида ёниб турган учқун аста-секин сўнаётганига ҳам эътибор қилмайсиз. Бу ҳолат деярли ҳар куни давом этади. Асов от каби югуриб, хаёллар билан бўй чўзаётган фарзанд ота-онасини яна кўп бор саволга тутади. Улар ҳам анойи эмас, ҳар гал "сувдан қуруқ чиқиш"нинг йўлини топишади. Болакай жуда тихирлик қилиб сўроққа тутаверса, яхшилаб уришиб ҳам берасиз. Шу тариқа болангиз савол бермай қўяди. Сизнинг ҳам қулоғингиз тинчийди. Аммо... Шунинг баробарида униб-ўсиб келаётган, келажакда бирор-бир соҳада тенгсиз мутахассис бўлиб етишиши мумкин бўлган истеъдод йўққа чиқади.

Дилором Саъдуллаева — Яшнобод тумани 149-мактабгача таълим муассасаси психологи:

– Боланинг 3 ёшдан қизиқувчанлиги уйғониб, ота-онасига ҳар хил саволлар бера бошлайди. Аввало босиқлик билан жавоб беришга ўрганинг. Сабрли бўлинг. Бола саволларига тўлиқ ва аниқ жавоб беринг. Чунки, жавобингиздан боланинг кўнгли тўлмай қолиши мумкин. Бола қандай савол беришидан қатъи назар боланинг ҳамма саволларига чиройли жавоб беришга ҳаракат қилинг. Қандайдир саволга жавоб топа олмасангиз, интернетдан изланг, китоб варақланг. Тўғри, нимага деган саволни болангиз ҳаддан ташқари кўп бериши мумкин. Бундай пайтда ўзинг нима деб ўйлайсан дея ўзи берган саволларга жавоб вариантларини айтиб, тўғри жавоб танлашига ҳаракат қилишни ўргатинг. Боланинг саволларига жавоб берилмаса ёки у турткиланса болада ёлғизланиш ҳисси пайдо бўлади. Шунинг таъсирида бола жамиятга мослашиши қийин кечади. Мактаб ёшига етганда ўз фикрини баён эта олмайди. Шунинг учун ҳар бир саволига жавоб бериш ҳамда унинг ўзини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик тарбиянинг асл моҳиятидир.

Болалигида кўп савол беришга одатланган, воқеликка тийрак назар билан қараган кичкинтойлар келгусида интеллектуал салоҳияти юқори, тафаккури кенг инсон бўлиб етишишади. Бунинг учун эса истеъдод ғунчалаётган пайтданоқ уни авайлаб парваришлаш, гул бўлиб очилишига имкон яратиш лозим. Бўладиган бола бошдан маълум, дейди доно халқимиз.

Бола табиатан ишонувчан бўлади. Мурғак қалбнинг ишонувчанлиги эса ота-оналарга қўл келади. Кўпинча уни алдаб, ёлғон сабабларга ишонтиришга уринишади. Бироқ алдагани бола яхши қоидаси фарзанд тарбиясига зарарли ва салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун маънавият аҳли "рост айтгани бола яхши", деган тамойил асосида тарбия беришни қатъий маслаҳат беради. Бола қалбига ҳеч бир нарса ота-она ибратидек кучли таъсир этмайди. Жажжи вужудга яширинган истеъдодни аниқлаш ва камолга етказиш ота-она зиммасидаги вазифадир!

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

ЁШ ЙЎЛОВЧИ ва ПИЁДАЛАР

энг кўп жабр кўришади

Фалокат оёқ остида, дейишади. Бирор нохуш гап эшитсак, кўксимизда симиллаган оғриқни ҳис қиламиз. Яқинда 3 ёшли болакай автоҳалокат қурбонига айланди. Бу ҳақда эшитган борки, надомат билан бош чайқайди. Афсуски, сўнгги пайтда йўл транспорт ҳодисаларидан жабр чекаётган инсонлар сони кўпайиб бормоқда. Улар орасида болаларнинг борлиги яна-да ачинарлидир. Статистик маълумотларга кўра, йўл транспорт ҳодисаларида болаларнинг 4 дан 1 қисми йўловчи сифатида, қолгани пиёда сифатида жабр кўрар экан.



КАТТАЛАР ХАТОСИДАН БОЛАЛАР ЖАБР КЎРАДИ

Шошганича боғча ёки мактабга боласини етаклаётган ота-оналарнинг ҳар доим вақти тиғиз. Улар кўчанинг тўғри келган жойидан иккиланмай кесиб ўтаверади. Оқибатда етовидаги фарзандига қоида бузиш мумкин эканини кўрсатиб беришади. Бола ўзи ёлғиз пайтида ҳам шундай йўл тутишга ўрганади.

Дилдора Муротова, Ўртачирчиқ тумани 16-мактабгача таълим муассасаси раҳбари:

– Болага йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидалари боғчадаёқ ўргатилади. 4 ёшли болалар жамланган гуруҳда турли ўйинлар шаклида, қўлланмалар ва қизиқарли кўргазмалар орқали йўлда ҳаракатланиш юзасидан дастлабки тушунчалар берилади. Болалар билишни, ўз саволларига жавоб олишни исташади. Негадир, кўпинча ота-оналар боланинг билими, дунёқараши мактабда шаклланади, деган хато фикрга келишади. Айни боғча ёшидаги боланинг қабул қилиш ва уни хотирада сақлаш даражаси юқори бўлади. Баъзан дарслар жараёнида болаларнинг йўлдан ўтиш хусусидаги хато муносабатларини ҳам эштамиз. Бунга албатта, ота-онасидан кўриб-ўрганган сабабдир.

Табиийки, мактабгача таълим муассасаларига уларни ота-оналари олиб келишади. Бироқ мактабга асосан уларнинг ўзи боришади. Шу сабаб, айнан мактаб ёшидаги болаларга йўлда ҳаракатланиш қоидаларининг ўқитилиши жуда муҳим. Катта йўллар бўйида жойлашган мактабларда тонги соат 7:30 да махсус навбатчи ўқитувчи болаларнинг йўлдан ўтишини тартибга солиб туради. Дарслар якунлангач, масъулият катталар зиммасига тушади. Банд ота-оналар ҳар доим ҳам фарзандини дарсдан олиб келолмайди.

Раъно Раззоқова, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, 216-мактаб ўқитувчиси:

– Мактабда йўл ҳаракати қоидалари дарслари 4-синфгача ўтилади, юқори синф ўқувчиларига тарбиявий соатларидагина бу ҳақида маълумот берилади. Мактабимиз катта чорраҳага яқинлиги боис ҳар куни болаларнинг йўлдан ўтиши назорат қилинади. Узоқдан келадиган ўқувчиларимиз ҳам бор. Дарс якунлангач, ота-она боласини олиб кетиши лозим, у келмаган тақдирда синф раҳбари бола хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бериши керак. Айниқса, йўлда, кўчани кесиб ўтишда қўл телефонидан фойдаланиш оқибатида юз берадиган автоҳалокатлар кўпаймоқда.

ДАРСЛАР КАМАЙСА, МУАММОЛАР КЎПАЙМАЙДИМИ?

Бола ўйинқароқ, гап дарров ёдидан кўтарилади. Бежизга, уларнинг хатоларига нисбатан "бола-да, билмайди" демаймиз. Бироқ доим ўрганиб, амал қилиб бориши лозим, дея ҳисобланган йўл қоидалари бор. Бу албатта, уларнинг соғлом ҳаёти билан боғлиқ.

Акмал Юнусов, ИИВ Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги бош бошқармаси инспектори, капитан:

– Йўлда тўғри ҳаракатланиш жуда

муҳим. Кичик хато ҳам катта талафотларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу фарзандларимизнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлса, унга бармоқ орасидан қараш ўринсиз. Шу сабаб болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини, йўлда юриш тартибини мукаммал билишлари учун турли дарсликлар нашр этилади. "Яшил чироқ" номли мусобақалар ўтказилади, "Диққат болалар", тадбири, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги"нинг ташкил этилишидан муддао ҳам шу. Бироқ, мактабларда бундан бир неча йил аввал йўл ҳаракати хавфсизлигини ўргатиш фанлари 17 соатни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 5 соатгина берилган.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойини 2015 йилнинг шу даврига солиштирсак, йўл транспорт ҳодисалари 7,8 фоизга камайди. Ҳалок бўлган болалар 5,9 фоизга, тан жароҳат олганлари 9.5 фоизга камайган.

Боланинг йўлда тўғри ҳаракатланишига биринчи навбатда ота-она масъул. Кўпчилигимиз фарзандимизни кўчага чиқараётганда "Эҳтиёт бўл!", деб огоҳлантирамиз, бироқ қандай эҳтиёт бўлиш кераклигини, бунинг учун нималар қилиш ва нималарни билиш лозимлигини ўргатмаймиз.

ЙЎЛДА ЮРГАН БОЛА БЕГОНА ЭМАС

Бола у ердан-бу ерга чопиб ўтаётганини кўрсак, танбеҳ берамиз. Айниқса, асабийлашамиз. Бироқ тўхтаб, насиҳат қилишга, хатосини тушунтиришга вақт ва сўзимизни қизғонамиз. Тўғри-да, бундай қоидабузар боланинг ҳар бирига гапирсак, вақт етмайди. Бироқ биргина айтилган сўз ҳам катта натижа бериши мумкин.

Дилбар Мардонова:

– 15 йилдан бери машина ҳайдайман. Тезликни оширмайман. Аммо шунда ҳам болаларнинг катта йўлга югуриб чиқиши, тўп-тўп бўлиб юриши ҳолатлари кузатилади. Шундай вақтларда машинани четга тўхтатиб, уларнинг хатоларини тушунтираман, тўғри ҳаракатланиш кераклигини айтаман. Шу сабаб, узоқроқ бўлса-да айланма йўллардан юришимга тўғри келади. Афсуски, ҳатто машина сигнали овозига парво қилмайдиган ўсмирлар кўпайиб боряпти. Машинамда асосан, фарзандларимни олиб юраман, улар орқа ўриндиқда махсус камар тақиб ўтиришади. Ота-оналар аввало, фарзандлари хавфсизлигини ўзлари ўйлаши керак.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Автомобилларнинг олд ўриндиғида 12 ёшга тўлмаган болаларни ташиш тақиқланади.

Болаларни уюшган ҳолда ташиш фақатгина йўл патрул хизмати инспекторлари кузатувида амалга оширилиши мумкин.

14 ёшга етмаган болаларнинг катта йўлда велосипед бошқариши тақиқланади.

Автомобиль қатнов қисмида ҳаракатланаётганда, пиёдалар йўлкасидан ўтаётганда аудио маҳсулотларни эшитиш, видео маҳсулотларни кўриш, китоб ва даврий нашрларни ўқиш тақиқланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 3 дан бир қисми ҳисобида жарима солишга сабаб бўлади.

Автомобиль салонидан тана қисмларини чиқариш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробарида жарима солинишига сабаб бўлади.

Камола АДАШБОЕВА

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛАШ

Сўранг, жавоб берамиз

— Мен яқинда алоҳида уйга кўчиб ўтдим. Тўловларни ҳар ой ўзим тўлай бошладим. Мол-мулк ва ер солиғини тўлаш тартиби ва қоидаларини билишни истардим.

Мавжуда Абдусатторова,
Тошкент шаҳри



Фарҳод Ўрмонов, Сергели тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи:

– Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли органлар томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаганда, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20328 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8833,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг инвентаризация қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади. Бироқ, унинг 3000 минг сўмдан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Мол-мулк ва ер солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси 1 майдан кечиктирмай топширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 120-моддасига асосан белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам равишда тўламай келаётган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

– Оилада тўрт фарзандмиз. Уч ўғил, бир қиз. Укаларимга ота-онам уй-жой қилиб берган. Мен оила қурмаганман. Айни пайтда ижарада яшайман. Ота-онамга менга ҳам мол-мулкидан улуш чиқаришини айтсам, улар "Укаларинг билан судлашиб юрамизми?", дейишади. Қонуний томондан олинганда ота-она хоҳлаган фарзандини меросдан, ўзига тегишли мол-мулкдан маҳрум қилишга ҳақли экан. Шу тўғрими?

Ф. Акромова

Амрулло Аҳмедов, ҳуқуқшунос-адвокат:

– Ота-онангиз томонидан берилган уй-жойлар укаларингиз номига расмийлаштирилган бўлса, унда ушбу уй-жойларга сизнинг ҳаққингиз қолмаган. Бироқ укаларингиз ота-онангиз томонидан қуриб берилган уй-жойларда фақат яшаб келаётган бўлса, сизга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига мувофиқ Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш қоидалари қўлланилмаган бўлса, демак сиз Фуқаролик кодексининг 1135-моддада қайд этилганидек, Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар қаторида «Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга» бўласиз.

АРМОНИМ

Отажон, бу ёруғ оламни тарк этганингизга 33 йил бўлибди. 33 йилдирки, сизни соғиниб яшаяпман. Уйдагилар сизни охирги йўлга кузатишаётганида Тошкентдан Самарқандга етиб боролмаганим учун ўзимни кечиролмайман. Сизни кўролмай, охирги гапингизни эшитолмай қолганим бир умрга армон бўлиб қолди. Юрагимда муҳрланиб қолган армон... Мана 33 йилдирки, бу армон юрагимни кемиради. Ота меҳрини ҳеч ким, ҳеч қачон беролмаслигини беғубор болалик чоғларимдаёқ юрак-юракдан ҳис этганман. Эрталаб ишга кетаётганингизда оёғингизга ёпишиб йиғлардим. Келганингизда эса севиниб ўзимни қучоғингизга отардим. Сиз эса мени бир неча бор тепага отиб, яна бағрингизга босардингиз. Яна кетиб қолишингиздан қўрқиб, бўйнингиздан маҳкам қучоқлаб олардим. Ота бағри қанчалар иссиқ ва меҳрли эканини сўз билан таърифлаб беролмайман. Ўша бағир, ўша меҳрни соғиниб яшаяпман, отажон! Яқинларим ҳамиша бошимда парвона бўлсалар ҳам уларнинг меҳрибончилигини бошимни силаб, "қизим, қизгинам" деган бир оғиз ширин сўзингизга алишмайман.

Дам олиш кунларини интизорлик билан кутардим. Ўша куни эрталабдан кечгача сизнинг ортингиздан эргашиб юрардим. Сизга ёрдам берардим. Баъзан якшанба кунлари бозорга олиб борардингиз ва энг чиройли қўғирчоқ, кўйлак, туфли, дўппи олиб берардингиз. Менинг севинганимни кўриб, юзкўзларинг доимо қувончдан порласин, қизалоғим, деб айтардингиз. Ўша пайтлар дунёдаги энг бахтли қизалоқ эдим, отажон!

3-4 ёшларимда эртак ва Ҳотамтой ҳақидаги ҳикоятларни айтиб берардингиз. Олти ёшимда ўқиш ва ёзишни ҳафсала ва қунт билан ўргатишга ҳаракат қилардингиз. 1-синфда ўқиётганимда эса деярли ҳар куни сизга газета ва журналдаги мақолаларни ўқиб берардим. Пешонамдан ўпиб, раҳмат қизалоғим, деб айтганингизда бошим кўкка етарди. Сиз энг яхши устоз эдингиз!

Отажон, ота ва қиз дарди ифодаланган қўшиқларни эшитганимда хаёлларим мени узоқ-узоқларга, олисларда қолиб кетган бебаҳо болалик давримга етаклайди. Бир зумгина бўлса-да, болалигимга қайтиб кўксингизга бошимни қўйиб меҳрингизга тўйсайдим. Дунёдаги энг бахтли инсон бўлардим, отажон!

Қарияларимиз отангга раҳмат, деб айтишганда беихтиёр кўзларим ёшга тўлади. Сиздек меҳридарё, саховатли инсоннинг фарзанди бўлганимдан фахрланиб юраман. Қисқа, бироқ ниҳоятда сермазмун ва сермаҳсул умр кечирдингиз. Дўстларингиз ва шогирдларингиз доимо сизни соғиниб эслашади. Негаки, сиз уларнинг юрагида қилган яхшиликларингиз билан муҳрланиб қолгансиз.

Сиз доимо юрагимда яшаяпсиз. Мен ҳаёт эканман, сиз ҳам яшаяпсиз, отажон!

Сафия НАЗАРОВА

ОИЛАВИЙ МАСЛАҲАТХОНА

КАКТУСЛАРНИ ЭКИШ, ЎСТИРИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Кактусларнинг чиройи ва тароватини сақлаб қолиш учун уларни тез-тез янгидан экиб туриш керак бўлади.

Шарсимон кактус-маммилария ва баландга интилиб ўсувчи цереусни ҳар йили қайтадан экиш лозим. Кактусларнинг жойини куз фаслида сира янгилашга ҳаракат қилманг, бу уларнинг ўсишига салбий таъсир этади. Бунинг учун қулай вақт март ва июль ойлари ҳисобланади.

Янгидан экилган кактусларни биринчи ҳафта мобайнида кўп суғормаслик лозим. Экинни иссиқ, соя жойда сақлашга ҳаракат қилганингиз маъқул. Агар уларнинг устки қисмидан ҳар куни пульверизатор ёрдамида сув сепиб турсангиз, ёш ниҳоллар тезроқ ўса бошлайди.

Кактусни қайта экаётганда тикани қўлингизга шикаст етказмаслиги учун уни қоғоз билан ушлаб туришингиз мумкин. Янги тувак эскисидан 3 см.га каттароқ бўлиши керак.

ЎЙ ТОЗАЛАШНИНГ КИЧИК СИРЛАРИ

Уйингиздаги дераза ойналари қуёшнинг заррин нурларини ўтказмаётганини, мебелингиз чанг босганидан хиралашиб қолганини сезиб қоласиз. Кўзингизга уйингиз файзсиз кўринади гўё... Тушкунликка тушманг, бу муаммони бир кунда бартараф этишнинг имкони бор... Бунинг учун ҳафсала қилсангиз, бас.

ОЙНА ЮВИШ

Дераза ойнаси, роми ва токчасини нашатир спирти (1 литр сувга 1 ош қошиқ) ёки сирка кислотаси (бир литр сувга икки ош қошиқ) қўшилган сув билан ювсангиз ойнанинг тозалиги кўзингизни қамаштиради. Ойнанинг камроқ ифлос бўлиши учун уни ювганингиздан сўнг бир неча томчи нашатир спирти қўшилган глицеринли сув аралашмаси билан артишингиз керак.

ГИЛАМЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛИ

Гиламингизнинг чангини қоқиб, унинг устига бир неча уюм майда туз сепилади. Ундан сўнг тоза супурги билан супирилади. Туз ўрнида қуруқ чойни ҳам ишлатиш мумкин.

Гиламингизнинг ранги тиниқлашиши учун сирка кислотаси, тузли сув ва лимон шарбатига ёки нашатир спирти аралашмасига шимдирилган паролон парчаси билан артишингиз керак.

Гиламингиз майин ва юмшоқ бўлиши учун тозаловчи хом ашё сифатида тузланган карам салатидан фойдаланинг.

МЕБЕЛ ТОЗАЛАШ

Эски доғларни кетказиш учун карам суви ёки туз ва ўсимлик ёғи қоришмасига шимдирилган чарм териси парчаси билан артинг.

Ҳўл идишлардан қолган мебелингиз доғларини грек ёнғоғи билан артинг.

Иссиқ идишлардан қолган оқ доғларни этил спирти ва ўсимлик ёғидан тенг қисмдан қўшилган аралашма билан артиб кетказишингиз мумкин.

Табиий эмандан тайёрланган мебел устидаги сув ва ёғдан қолган доғни кетказиш учун сигарет кукунига қўшилган ўсимлик ёғини ишлатиш мумкин. Доғ жойни қуруқ жун мато билан ишқаланг.

Юмшоқ мебелларни қоқиш учун унинг устига тоза, очиқ рангли, сирка кислотаси аралашмаси (бир литр сувга бир ош қошиқ) шимдирилган мато ёпамиз ва яхшилаб "урамиз". Бундай массаждан сўнг мебелингиз чангдан фориғ бўлади.

Юмшоқ мебелингизни тузли сувга шимдирилган икки қаватли дока билан ўралган қаттиқ чўтка билан тозаласангиз яхши фойда беради.

ЧЕГИРМА КАРТОЧКАЛАРИ ХАРИДОР ФОЙДАСИ УЧУН ЭМАС, ДЕГАН ФИКРГА БОРАДИ КИШИ.

"РАСПРОДАЖА" %

Оилавий харид

ХАРИДОР УЧУН ТУЗОҚМИ

ёки арзон нархда фойдали харид?

"Нега бунча қиммат кийим-кечак сотиб оласиз?" деган саволга "Бадавлат эмасманки, арзон нарса олсам", деб жавоб берган кишини ҳам, бу гапнинг мағзини ҳам яхши биласиз. Халқимизда "арзоннинг оши (шўрваси) татимас", деган нақл ҳам бор.

Бироқ барибир, арзон маҳсулот илинжида "Отчопар"у "Бекбарака", "Ўрикзор"у "Дўстлик" қилиб айланаверамиз, айланаверамиз. Талабимиз ўша-ўша: арзон ва сифатли бўлсин! Бозор кезсангиз тужжор йигитчаларнинг "распродажа", деган қичқириғидан қулоғингиз қоматга келади. Худди молини текин тарқатаётгандек кекирдагини чўзиб иддао қилаётган бу сотувчиларнинг ёнига борсангиз эски ҳаммом, эски тос – ўзингиз билган ўша нарх. Аслида, бизга "распродажа"сининг кераги йўқ. Барибир савдолашамиз. Савдолашиб олинган молнинг баракаси бўлади, деган ҳикматга амал қиламиз.

"Скидка", "Чегирма", "Sale", "Распродажа", "Дисконт" сингари тушунчаларнинг пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. Замонавий бозор билан бирга шаклланаётган ушбу тушунчалар қанчалар ҳаққоний? Чегирма асосида сотилаётган маҳсулотнинг сифати қай даражада? Сифати кўнгилдагидек бўлса, чегирма нархлари адолатли белгиланганми?

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

"Распродажа" — "сотиб тугатиш" товар-маҳсулотнинг истеъмолга яроқлилик муддати тугаб бораётганида ёки дўкондаги барча маҳсулотларни сотиб битириш зарурати туғилганида уларни тан нархи қийматида сотиш ҳисобланади.

"ТИЛНИ ҚИСИШ" УСУЛИ

Чегирмалар, бозорчилар таъбири билан айтганда "распродажа" рутбаси билан сотиладиган маҳсулотлар кўпчиликни оҳанрабодек ўзига жалб қилади. "Бир кун туз тотган жойга қирқ кун салом" қабилида иш кўрадиган халқимиз чегирма ва "распродажа"лар харидорнинг "тилини қисиқ қилиш" усули эканига эътибор ҳам қаратиб ўтирмайди. Негаки, мижоз ўзига маъқул бўлган молни чўнтаги кўтарган нархда харид қилган дўконига ихлоси ошиб, тез-тез ўша дўконга киришга одатланади. Бир неча марта "распродажа" билан харидор "оғзини мойлаган" дўкондор учун бу айни муддао. "Ётиб қолгунча отиб қол"ишни маъқул кўрадиган дўкон эгалари эса озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилик муддати тугашига бир баҳя қолганида чегирма асосида тез муддатда сотиб юборишга ошиқадилар. Хўш, бу "сийлов"дан харидорлар қай даражада мамнун?

Азиза Сафарова, уй бекаси:

– Кийим-кечак, пойабзал дўконларида асосан мавсумий моллар чегирма билан сотилади. Бироқ кўп ҳолларда "Фалон фоизли чегирма" ёки "Распродажа" деган рўкач билан моллар аввал кўрсатилган нархида сотилаётганига ҳам гувоҳ бўлганман. Чегирма пайтида керак-нокерак маҳсулотларни ёппасига сотиб олишни оқламайман.

Мунис Расулова, ўқитувчи:

–Мавсумий кийимларни чегирма пайти сотиб олиш ҳар доим ҳам фойдали харид ҳисобланмайди. Бу йил ёзда урф бўлган кийим-кечак кейинги ёзгача урфдан чиқади. Урфга қараб кийинмаган тақдирда ҳам жавонда кераксиз кийимни тўплашдан нима наф? Маблағни мақсадли сарф қиладиган одам ҳеч қачон чегирма билан сотилаётган мавсуми ўтган маҳсулотларга учмайди.



Дилбар Ражабова, талаба:

– Аксарият дўконлар харидорларга чегирма карточкалари таклиф қилади. Бу билан харидор ўша дўконнинг доимий мижозига айланади. Харидорнинг мобил телефонига янги моллар, акция ва чегирмалардан хабардор қиладиган СМС хабарлар йўлланади. Дўкондан қилган ҳар бир харид мижозга чегирма имкониятини оширади. Менда ҳам бир дўконнинг чегирма карточкаси бор. Бироқ харидим пайтида сотувчи томонидан ўтказилган сумма миқдори карточкамга тушган-тушмаганини билишим қийин. Балки дўконлар шу ҳолат билан боғлиқ муаммоларни ҳам ўргансалар фойдадан холи бўлмасди. Карточка билан боғлиқ яна бир ҳолат – чегирма ёки арзон сотув билан боғлиқ бошқа акцияларда чегирма карточкасидаги сумма инобатга олинмаслиги кишини таажжубга солади. Демак, чегирма карточкалари харидор фойдаси учун эмас, деган фикрга боради киши.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Сотувчи товар номи, штрих коди (мавжуд бўлганда), ундан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари, кафолат муддати, хизмат қилиш ёки яроқлилик муддати, шунингдек, кўрсатилган муддатлар тамом бўлгандан кейин харидор амалга ошириши керак бўлган зарур хаттиҳаракатлар, агар товарлар кўрсатилган муддатлар тамом бўлгандан кейин харидорнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавф туғдирса ёки фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолса ёки шунга ўхшаш хавф келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар, товар нархи ва уни сотиб олиш шартлари тўғрисида харидорга қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарлар ҳақида маълумотлар бериши шарт.

ЧЕГИРМА АСОСИДА СОТИБ ОЛИНГАН МАҲСУЛОТДАН ИСТЕЪМОЛЧИ ЗАРАР КЎРСА...

–Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз товарларини (ишларини, хизматларини) мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ҳақлидирлар, – дейди Давлат рақобат кўмитаси Реклама фаолияти назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси бош мутахассиси Фаррух Мадаминов. – Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг қатор моддаларига кўра асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида мижозлар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади. Юқоридагиларга асосан, сотувчи (тадбиркор) ва истеъмолчи қонун ҳужжатлари талабларида белгиланган тартибда иш юритса, ўз мажбуриятларини бажарса ва ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланса, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилмайди.

Агар нотўғри реклама, товарларни чегирма асосида сотиш тўғрисидаги эълон оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланмаган тақдирда, харидни тасдиқловчи касса ёки терминал чеки билан нотўғри реклама ёки товарларни чегирма асосида сотиш тўғрисидаги эълон акс эттирилган фотолавҳани илова қилган ҳолда Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларига ёзма ёхуд электрон равишда мурожаат қилишлари мумкин.

Маркетолог Шуҳрат Маҳмудов фикрларига кўра юртимиздаги дўкон ва бозорларда, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларида йилнинг маълум ойларида фойдали харидларни амалга ошириш имкони мавжуд экан. Яъни, январь-февраль ойларида сайёҳлик чипталарини арзон нархда харид қилиш мумкин. Турар жой ва кўчмас мулк билан боғлиқ савдо-сотиқ ва ижарага олиш ишларини май-август ойларида амалга оширган маъқул. Шунингдек, ёз ойларида спорт заллари, фитнес клубларида ҳам нархлар пасайиши кузатилади. Ўқув қуроллари, ўқувчи-талабалар учун зарур моллар ноябрь-декабрь ва май-июнь ойларида арзон нархларда сотилади. Пардоз маҳсулотлари, тақинчоқлар ва бошқа зебу зийнат аксессуарларини эса йил давомида урфдаги ҳолати бўйича белгиланган қийматда сотиб олиш мумкин. Албатта, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари жаннатмонанд диёримизда баҳор ойларининг охиридан бошлаб, кузнинг сўнгги кунларигача харидорни қониқтирадиган нархларда сотилади. Мини ва микро тўлқинли печлар, газ плиталари ёз ойларида бироз арзонлашса, кондиционер ва совутгичлар ноябрдан апрель ойигача қисман арзонлашади.

Шунингдек, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари дўконларида байрамлар муносабати билан турли акция ва чегирмалар ташкил қилинади.

Пулни қандай топган инсон уни қандай сарфлашни ҳам яхши билади. Тежамкорлик билан "Арзоннинг шўрваси"га учишни ажрата олган харидор ҳеч қачон фойдасиз харид қилмайди ва ёлғон чегирмаларга алданмайди.

Умида АДИЗОВА,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳридаги "NISHON-TRANS SERVIS" МЧЖ устав фонди 167 300 000 (бир юз олтмиш етти миллион уч юз минг) сўмдан 117 400 000 (бир юз ўн етти миллион тўрт юз минг) сўмга камайтирилаётганлигини маълум қилади.

ЎзДЖТУ томонидан Пулатова Гулмира Артикбаевнага 2011 йилда берилган В№570091 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ЎзДЖТУ томонидан Каримова Юлдуз Тургуновнага 2005 йилда берилган В№017859 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ЎзДЖТУ томонидан 2006 йилда Раҳимова Гулруҳ Илҳомовнага берилган В 260351 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Оила ва Жамият
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета
Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3726. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Бош навбатчи: О. Жумабоев
Навбатчи: И. Сиддиқов
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ISSN 2010-7609
12345

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.